



ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

**23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев ва Америка Қўшма
Штатлари Президенти Дональд Трампнинг телефон
орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида АҚШ Президентини яқинлашиб келаётган янги йил байрамлари билан табриклаб, дўст Америка халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилади.

Дональд Трамп, ўз навбатида, Ўзбекистон етакчини ва халқига ўзининг ҳамда АҚШ халқининг самимий саломини ҳамда табрикларини йўллаб, янги йилда бахт-саодат, муваффақиятлар ва янги зафарлар тилади.

Президентлар олий даражада эришилган келишувлар ижросининг боришини, шунингдек, Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш истиколатларини батафсил кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари Президент Дональд Трампнинг жорий йилда ички ва ташқи сиёсатда эришган муваффақиятларига юксак баҳо бериб, унинг ўткир халқаро инқирозлар ва можароларни ҳал этиш борасидаги самарали саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлади.

Икки томонлама сиёсий мулоқот ва алмашинувлар, айниқса, етакчилар даражасида фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб бергани ва уни аниқ мазмун билан бойитгани мамнуният билан қайд этилди.

Фуқаро авиацияси, автосаноат, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, энергетика ва кимё, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда бошқа соҳаларда ўнлаб миллиард долларлик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Амалдаги лойиҳа ва дастурларни самарали илгари суриш ҳамда янгиликларини ишлаб чиқиш мақсадида Америка — Ўзбекистон ишбилармонлар ва инвестициялар кенгаши ташкил этилди. Қўшма Инвестиция фонднинг таъсис этиш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Худудлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги механизми ишга туширилди. Ўзбекистоннинг учта вилояти делегациялари Америка штатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ушбу мамлакатда бўлди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, кўп томонлама ҳамкорлик, жумладан, “С5+1” форматининг аҳамияти таъкидланди. Суҳбат якунида томонлар олий даражадаги фаол мулоқотларни давом эттириш ниятини таъкидладилар ҳамда амалий ҳамкорлик бўйича қўшма ташаббус ва дастурларни илгари суришга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Президенти Америка етакчисини ўзи учун қўлай мuddатда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

ЎЗА

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев тўқимачилик саноатида
2025 йил якунлари ҳамда келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан
тақдирот билан танишди.**

Жорий йилда тармоқда эришилган натижалар, ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси, шунингдек, 2026 йилга мўлжалланган мақсадли режалар атрофида кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, 2025 йилда тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 134 триллион сўмни ташкил этган. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 2,1 миллиард долларга етган. Экспорт ҳажми эса 2,5 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш таъминланган. Тармоқда банд аҳоли сони 623 минг нафарга етгани, келгуси йилда ушбу кўрсаткични 650 минг нафаргача ошириш имконияти мавжудлиги таъкидланди.

2026 йилда пахта хомашёсини қайта ишлашни янада чуқурлаштириш ҳамда газлама, трикотаж ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш кўзда тутилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 147 триллион сўмга, экспортни эса 3,3 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Тармоққа 2,2 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш режа қилинган. Бунинг эвазига 207 минг тонналик синтетик, аралаш ип, 397 миллион квадрат метрлик газлама, 224 миллион донна тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда 108 миллион квадрат метр мато бўйича бўйича қўшимча қувватлар барпо этилади.

Шу билан бирга, тармоқни барқарор ривожлантиришга тўққинлик қилаётган айрим омиллар ҳам қайд этилди. Хусусан, пахта толасига бўлган талабнинг бир қисми импорт ҳисобига қопланаётгани, молиявий ресурслар қийматининг юқорилиги, ташқи бозорларда логистика харажатлари ортиши ва айрим йўналишларда малакали мутахассислар етишмаслиги соҳа олдига турган долзарб масалалар сифатида кўрсатиб ўтилди.

ЎЗА



Муносабат

КУНЧИҚАР ЮРТ МЎЪЖИЗАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН НУҚТА

**Япония илгор замонавий технологиялар,
юқори қийматли иқтисодийёт ва саноат ишлаб чиқариши,
қайта ишлаш ва чиқиндисиз турмуш тарзига эришиш
йўналишида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари сафида туради.
Ўзбекистон ва Японияни илдизлари Буёқ ипак йўли даврига
бориб тақаладиган кўп асрли тарихий алоқалар, ўзаро яқин
менталитет, ўхшаш кадрлар бoғлаб туради.**

Японлар она табиатга бўлган ҳассос муносабати, атроф-муҳитни эъзозлаши билан жаҳонга намуна кўрсатади. Улкан тараққиёт йўлини инсон ва табиат билан ўзаро уйғунлаштира олган мамлакат сифатида биламиз Японияни.

Президентимизнинг 18-20 декабрь кунлари Японияга расмий ташрифи

ҳамда ўтказилган олий даражадаги мулоқот ва учрашувлар, халқаро миқёсдаги тадбирлар давлатларимиз ҳамкорлигини бутунлай янги босқичга олиб чиқиши билан тарихий аҳамият касб этди.

▶ Давоми 2-бетда

Янги фармон — янги ҳуқуқий асослар

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Бугун мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо қилиш жараёнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини самарали ҳимоя қилиш бўйича тарихий аҳамиятга эга изчил қадамлар қўйилмоқда.

Жорий йил мамлакатимизда Конституциявий суд ташкил топганининг 30 йиллиги нишонланган бўлса, ана шу даврда туپланган миллий ва хорижий тажриба ҳамда илгор замонавий талаблар асосида суд фаолиятини янги босқичга кўтариш долзарб масалага айланган.

Президентимизнинг шу йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир муҳим натижаси бўлди.

Ушбу фармонни узоқ кутилган тарихий ҳужжат десак, ҳеч ҳам муболага бўлмайд.



Президентимизнинг конституциявий одил судловга алоҳида эътибори натижаси ўларoқ ишлаб чиқилган мазкур фармон билан Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш ва фаолиятига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш, ички тузили-

ши қайта кўриб чиқилиб, конституциявий назорат самарадорлигини янги поғонага олиб чиқишнинг янги ҳуқуқий асослари вужудга келди.

▶ Давоми 3-бетда

**Бахт – интилганники, ғалаба –
курашганники! Келажакни мардлар, тарихни
ғолиблар яратади. Ҳамиша олдинга қараб интилинг,
баҳодир ўғлонларим, оқила қизларим!**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



ТАРИХ ЯРАТАЁТГАН ОЛТИН АВЛОД

**Зафарлар залворли,
марралар улкан**

*Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!*

Давлатимиз мадҳиясидаги ушбу мисралар Уччинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сари дадил қадам ташлаётган янги Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-маънавий қиёфасини ўзида тўлиқ акс эттиради.

Дарҳақиқат, юртимизда эришилаётган оламшумул ютуқлар, “инсон қадрини учун, инсон бахти учун” деган улутвор тамойилни қарор топтириш йўлидаги улкан ислохотлар тўғрисида “қудрати жўш урган” халқимиз ақлий ва маънавий салоҳиятининг бугунги амалий натижалари том маънода дунёни ҳайратга солмоқда. Ватанимиз тарихи учун жуда қисқа бўлган даврда қўлга киритаётган зафарлари ва кўзлаётган марралари билан оламни “маҳлиё айламоқда”.

Яқинда БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган, қитъамизнинг 35 давлатидан келган 1500 дан зиёд спортчи иштирок этган V Ёшлар параолимпияда йўналишида юртдошларимиз қўлга киритган тарихий ғалаба ҳам халқимизнинг “улуғ қудрати”ни яна бир бор намойиш этди. Ёшларимиз Ўзбекистон паралимпияда ҳаракати тарихида янги саҳифа очди — 99 олтин, 57 кумуш, 41 бронза медал билан умумжамоа ҳисобида Осиё қитъасида тенгсиз эканини исботлади.

▶ Давоми 5-бетда



ЭКОЛОГИК СТИКЕР

**ЭНДИ АВТОМОБИЛЛАРГА ТОИФАСИГА
ҚАРАБ МАХСУС ЁРЛИҚ ЁПИШТИРИЛАДИ**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бугун нафақат экологик, балки ижтимоий масалага айланган. Чунки глобал муаммо замирида, аввало, инсон омили ва унинг саломатлигини ҳимоя қилиш вазифаси турибди. Экологик ҳаракатларни амалга оширишда ҳам бевосита одамлар асосий иштирокчига айланмоқда. Масалан, фуқаролар ўзи бошқараётган автотранспорт воситасининг экологияга таъсири учун масъулдир.

Ушбу жараён юртимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 ноябрдаги тегишли қарори билан тартибга солинмоқда. Унга кўра, Ўзбекистонда янги механизм — автотранспорт воситаларидан чиқариладиган зарарли моддаларни назорат қилишга қаратилган “экологик транспорт” тизими жорий этиляпти. Янги тизим билан 2026 йил 1 январдан бошлаб барча автотранспорт воситаларини экологик тоифа ва синфларга ажратиш ҳамда улар асосида экостикерлар бериш тартиби белгиланди.

Экологик стикерлар ҳақидаги маълумотлар аввалроқ пайдо бўлгани боис, юртимизда улар-

нинг жорий этилиши ва кейинроқ транспорт воситалари худудларда ана шу экологик белгига кўра ҳаракатланишдан кўпчиликнинг хабари бор. Ҳатто одамлар орасида “Яқинда эски машиналар шаҳарга кира олмайди, чеклов ўрнатилди, фақат экологик тоза автомобилларгина кўчаларда ҳаракатланиши мумкин”, деган фикрлар пайдо бўлган. Яъни юртдошларимиз янги тизим ҳақида озми-кўпми хабардор. Аммо унинг қачондан бошлаб, қимгарла амал қилиши, тартиб-қоидалари ҳақида кўпчилик билмасди.

▶ Давоми 4-бетда

Муносабат

Кунчиқар юрт мўъжизаси ва Ўзбекистон ташаббусларини бирлаштирган нуқта



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Абдушукур ҲАМЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Янги авлод рақамли технологияларини яратиш, сунъий интеллект, тоғ-кон саноти ва қайта ишлаш, кўеб, шамол, "яшил" водород каби муқобил энергия манбаларига ўтиш



борасида бугун Япония катта натижаларга эришмоқда. Шу маънода, келажак тараққиётини аниқ соҳалар ривож билан боғлаётган Ўзбекистон Япония билан ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириши янада кенг имкониятларни очади.

ислохотларни бугун Япония ҳам изчил қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз ташриф давомида Токиода бўлиб ўтган "Марказий Осиё + Япония" мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этди. Минтақамизнинг тобора кенгайиб бораётган серқирра форматдаги алоқаларида "Марказий Осиё + Япония" мулоқоти бу жараёнга ўзига хос янги нафас олиб кириши кутилмоқда. Саммит давомида давлатимиз раҳбари илгари сурган долзарб ташаббус ва тақлифлар ҳам бунинг яққол тасдиғи.

Аввало, Марказий Осиё минтақасининг кунчиқар юрт билан ушбу янги форматдаги алоқасини ёрқин истиқболга эга, деяр прогноз қилиш мумкин.

Биринчидан, минтақамизнинг бой табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тоғ-кон саноти, нодир металлларни қайта ишлаш борасида Япония технологиялари янги имкониятлар эшигини очади.

Иккинчидан, "яшил" энергия тармоқларини кенгайтириш, атмосфера ҳавоси тозалигига эришиш, рақамли технологияларда япон тажрибаси биз учун ҳар томонлама яқин ва қўлай ҳисобланади.



Саммитда Ўзбекистон етакчиси "яшил" ривожланиш, жумладан, "яшил" энергия ва "яшил" трансформация масалаларига минтақамиз ва Япония жамоатчилиги эътиборини қаратди. Бугун дунёнинг аксарият мамлакатлари учун долзарб бўлиб турган иқлим ўзгариши, экологик муаммолар, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш юзасидан келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни санаб ўтди.

ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

"Марказий Осиё + " мулоқотининг ташаббускори Япония ҳисобланади. Бундан йигирма йил муқаддам айнан кунчиқар юрт илк бор ушбу форматдаги мулоқот ташаббускори бўлганини давлатимиз раҳбари ўз нутқида алоҳида қайд этди. Президентимиз таъкидлаганидек, Буюк ипак йўли давридан ривожлана бошлаган яқин савдо ва маданий алоқалар, ўхшаш анъана ва урф-одатлар, маънавий, маданий ва оилавий қадриятлар Марказий Осиё ва Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун мустақкам асосдир.

Саммитда Ўзбекистон етакчиси "яшил" ривожланиш, жумладан, "яшил" энергия ва "яшил" трансформация масалаларига минтақамиз ва Япония жамоатчилиги эътиборини қаратди. Бугун дунёнинг аксарият мамлакатлари учун долзарб бўлиб турган иқлим ўзгариши, экологик муаммолар, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш юзасидан келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни санаб ўтди. Айнан бу борада Япония тажрибаси эътироф этилди. Бу мамлакат зарарли газларни атмосферага

чиқаришни тўлиқ бартараф этишга эришиш борасидаги вазифаларни бажаришда ҳаётда етакчидир.

"Биз Ўзбекистонда заҳарли газларни чиқаришни 2035 йилга бориб 50 фоиз қисқартириш, 2030 йилгача умумий генерацияда "яшил" энергия улушини 54 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйганмиз. Энергетик ўтиш ва "яшил" энергетикани ривожлантириш бўйича самарали иссиқлик станциялари, қуёш ва шамол энергия қурилмаларини барпо этиш, когенерация, йўқотишларни қисқартриш, зарарли газларни ушлаб қолиш ва фойдаланиш технологияларини жорий этиш каби аниқ лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишни тақлиф этамиз", деди Ўзбекистон раҳбари. Шу билан бирга, Тошкентда қайта тикланадиган энергетика соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий марказни ташкил этиш тақлифини билдирди.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда бу йўналишда салмоқли ислохотларни бошлади. Давлатимиз раҳбарининг "Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тежор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг тежор ва самарали бошқаруви шакллантирилди. Бошқара айтганда, мамлакатимиз тарихида экотизимни бошқариш борасида мутлақо янги, стратегик даврга асос солинди. Ўзбекистон Экологик партияси ҳамда парламентдаги фракцияси бу борада самарали жамоатчилик ҳамда парламент назоратини олиб бормоқда.

Япониянинг "Яшил трансформация" ташаббуси минтақа мамлакатлари томонидан қабул қилинган Марказий Осиё учун "Яшил кун тартиби" дастурини амалга оширишда уйғун ва ҳамоҳанг экани қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбари минтақада ҳаво сифатини яхшилаш бўйича атмосферага чиқарилаётган газларни мониторинг қилиш, филтрлаш ва камайитириш, аҳоли учун янада барқарор ва хавфсиз экологик муҳитни яратиш учун илгор ечимларни қўллашга қаратилган қўшма дастурини ишга



тушириш, иқлим ўзгариши билан курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, Оролбўйи экологик муаммоларини ҳал қилишга қўмақлашиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни қамраб оладиган қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш, мулоқот доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг янги шаклдаги учрашувларини ташкил этиш тақлифини билдирди.

Бу чегара билмас экологик муаммоларга биргаликда самарали курашишда аниқ мудабаҳдор. Чунки атмосферага чиқарилаётган заҳарли газларга биргича мамлакат ёки минтақа муаммоси сифатида қараш керак эмас.

Ёки Оролбўйидаги экологик вазият минтақалар чегарасидан ташқарига чиқаётгани кундек равшан. Шунинг учун бу муаммоларга "Марказий Осиё + Япония" каби йirik мулоқот форматида жавоб изланаётгани энг тўғри йўлдир.

Жаҳон геологик харитасида Марказий Осиё минтақаси ҳам сейсмик фаол ҳудудлар тоифасида туради. Япония эса сейсмология бўйича анча хатарли фожиаларни бошдан ўтказган, бу муаммога ечим топишда катта тажриба тўплаган мамлакат. Шу боис, Президентимиз Япониянинг сейсмик хавфсизлик соҳасидаги улкан тажрибасини ҳисобга олиб, Сейсмик барқарорликни баҳолаш ва амалга ошириш бўйича қўшма дастурини ишга тушириш тақлифини билдирди.

Умуман, ушбу саммит сиёсий, иқтисодий, барқарор ривожланиш, инвестиция, рақамли технологиялар, транспорт-логистика, фан-таълим ва бошқа муҳим соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича конструктив мулоқот майдони бўлди. Ўзбекистон етакчиси билдирган тақлифларнинг барчаси иштирокчи мамлакатлар томонидан фаол қўллаб-қувватланганини эса кучли прагматик дипломатиянинг яна бир яққол кўриниши дейиш мумкин.

Японияга ташрифининг яна бир эътиборли жиҳати, ушбу мамлакат савдо-иқтисодий, бизнес соҳаси вакилларининг Ўзбекистонга фаол қизиқиши бўлди. Президентимиз соҳа етакчилари, йirik бизнес вакиллари, инвесторлар билан учрашув давомида Ўзбекистонда улар учун яратилаётган қўлай шарт-шароит ҳақида алоҳида тўхталди.

Кунчиқар мамлакат билан Ўзбекистон ўртасида парламентлараро ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Икки мамлакат парламент делегациялари ўртасидаги ўзаро ташриф ва учрашувлар яқдил тус олган. Парламентларда дўстлик гуруҳлари фаол ишламоқда.

Нуқтаи назар

Мамлакатимизда кейинги йилларда бола ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясига қаратилган янги ёндашув ва услублар жорий этилди. Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир махсус қонунчилик базаси яратилди, уни ижро этиш юзасидан самарали ҳуқуқий механизм йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида яна қўплай муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 19 ноябрь кўни Олий Мажлис Сенатининг парламент сайловидан кейин ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек, маданиятимизга хос бўлмаган иллатларга қарши муросасиз муносабатда бўлишимиз ва аёвсиз курашишимиз шарт. Боланинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматига таъжовуз қиладиган, жисмоний ва руҳий азоб етказиши мумкин бўлган барча ҳолатларда давлат томонидан тегишли ҳуқуқий ва ижтимоий чоралар кўрилиши қонун билан мустақкамлаб қўйилди.

2024 йил 14 ноябрда соҳада тарихий аҳамиятга эга ҳужжат — "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан болаларга нисбатан зўравонликнинг 6 та шаклига таъриф берилиб, уларни содир этишни тақиқлаш ҳамда қонунан таъқиқ қилишни ҳуқуқий асослари мустақкамланди. Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ва уларни самарали амалга ошириш механизми белгиланди.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига кўра, иштирокчи-давлатларга болани жисмоний ва руҳий зўравонлик, ҳақоратлаш ва суиистеъмолликлар, ғамхўрлик қилмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомала қилиш, ота-она, қонуний васийлар ёки бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шахоний суиистеъмолликлар содир этишининг ҳар қандай шаклларида ҳимоя қилиш шартлиги белгиланган.

Мазкур халқаро мажбуриятнинг Ўзбекистонда қай тарзда бажарилиши таҳлили



Сурайит РАҲМОНОВА, Олий Мажлиснинг бола ҳуқуқлари бўйича вакили, юридик фанлар доктори, профессор

нуқтаи назаридан болага нисбатан зўравонликка оид хабарлар Болалар омбуздсмени томонидан алоҳида назоратга олинган ҳолда ўрганилмоқда. Мутасадди идоралар билан бирга бундай мазмундаги ҳар бир ҳолат индивидуал ва ҳар томонлама ўрганилган ҳолда зарур чоралар кўрилувчи.

Жумладан, 2024-2025 йилларда жами мурожаатларнинг 21 фоизини болага нисбатан содир этилган зўравонлик бўйича қонуний чора кўриш тўғрисидаги мурожаатлар ташкил этди. Яъни Болалар омбуздсменига йўланган ҳар бешинчи мурожаат болага нисбатан турли шаклдаги зўравонликка оид бўлмоқда.

Мана шу контекста ушбу йўналишда фаолиятни самарали ва таъсирчан ташкил қилиш учун асос бўладиган ҳужжат — 2024 йилда қабул қилинган қонунга тўхталиш жоиз. Зеро, мазкур қонун билан болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди.

Қонуннинг асосий мақсади зўравонликнинг олдини олиш, ундан жабр кўрган болалар билан ишлаш тизимини яратишдан иборат. Унга кўра, боланинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий

БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда қонун билан ҳимояланган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қиладиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказётган ёки етказиши мумкин бўлган ва унинг асосий эҳтиёжларига эид ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик, жумладан, интернетдан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатлар (харакатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик деб эътироф этилади.

Ҳужжатда зўравонлик шакллари илк бор аниқ белгилаб берилди. Жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъқиқ этиш (булинг) болаларга

учун шарт-шароитлар — болага таъминланиш шарт бўлган асосий эҳтиёжлар доираси белгилаб берилди.

Ушбу қонун давлат болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий, маъмурий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа чоралар, жумладан, бола ва унинг оиласини қўллаб-қувватлаш ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш, ушбу ҳолатларни тергов қилиш, айбдорларни жавобгарликка тортишининг муқаррарлигини таъминлаш, зўравонлик қурбонларини реабилитация қилиш, уларнинг ҳуқуқларини



нисбатан зўравонликнинг шакллари. Булар қонун билан тақиқланиши ва таъқиқ қилиниши қатъий белгиланди.

Боланинг асосий эҳтиёжлари деган тушунча қонунан мустақкамланди. Бунда боланинг тўлақонли ривожланиши, жисмоний ва руҳий саломатлиги учун озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа зарур шартлар билан таъминлаш, хавфсизлик, таълим олиш, ижтимоий алоқаларни ўрнатил, ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш ва имкониятларни рўёбга чиқариш

тиклаш ва ижтимоий мослаштириш механизмининг ҳуқуқий асосидир.

Хусусан, ҳар қандай турдаги зўравонликдан жабр кўрган бола зўравонлик қурбон деб тан олинган ва у зўравонликнинг барча шаклидан ҳимояланиши, зўравонлик ҳолати юзасидан давлат органлари ёки судга мурожаат қилиш, бепул ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий ва тиббий ёрдам олиш, ҳимоя ордери талаб қилиш ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплатиш ҳуқуқига эга.

тайёргарликдан ўтказиш ва идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини ягона электрон тизим орқали ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш чоралари муҳим йўналишлар сифатида белгиланди.

Болалар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қилишда катталарга нисбатан заифлиги туфайли иш юритувининг барча процессуал босқичида уларга самарали юридик ёрдам, вакилик ҳамда ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлаш кафолатларини шарт. Стратегия билан аниқ ана шу кафолатлар таъминланиши механизми йўлга қўйилмоқда.

Жумладан, болага қарши жиноятлар содир этилганда жабрланувчи болага руҳий эиён етказмайдиган шароит яратиш, зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга алоҳида ёндашувни қўллаш, шунингдек, малакали адвокат, психолог ва қонуний вакиллари ўз вақтида жалб этиш ва тежор идораларга ўзига хос амалиётни шакллантириш талаб этилади. Бу эса бола манфаатлари билан ишлашга иштирослашган кадрлар корпусини шакллантириши талаб этилади.

Стратегиянинг яна бир аҳамиятли жиҳати, ҳужжатда таълимдан четда қолган ва ижтимоий хавф остидаги болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни касбга йўналтириш, жамиятга мослаштириш, оилалар билан ишлаш йўналишида болага нисбатан зўравонлик хавфини камайитириш, ота-оналарни қўллаб-қувватлаш қамраб олинган. Яъни ижтимоий хавф остидаги болалар бўйича ишлашда нафақат қатъий чоралар кўриш, балки ота-оналарни ижтимоий мураккаб вазиятларда қўллаб-қувватлаш орқали оиланинг бола учун фаровон ва барқарорлигини таъминлаш ёндашувига таянилмоқда.

Зеро, бугун фарзанди учун хавфсиз, жисмонан ва руҳан соғлом муҳит яратиш ота-онанинг бирламчи вазифаси эканини тушунириш, бу борада ота-оналарнинг билими ва кўникмаси, асосийси, болани босим ва таъқиқдан холи усулларда тарбиялаш таваккуруни шакллантириши ниҳоятда муҳим.

2026-2030 йилларда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегияси Ўзбекистонда сўнгги йилларда бола манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишидаги прогрессив ва ортага қайтмас ислохотларнинг кейинги босқичига асос яратувчи ҳужжат сифатида соҳада мутлақо янги форматдаги тарихий даврга асос солмақда. Умуман, ҳужжат болалар учун зўравонликдан холи, фаровон ҳаёт яратиш нафақат давлат, балки бутун жамиятнинг бирдек вазифаси эканидан далolat беради. Шунинг учун ҳам болалар манфаатларини таъминлаш йўлида барча саъй-ҳаракатимиз муштарак бўлиши зарур.



Янги фармон — янги ҳуқуқий асослар

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Конституциявий суд раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

“ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ЖАМОАСИ УШБУ ФАРМОННИ ОҒИШМА АМАЛГА ОШИРИШ ВА УНДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ ИЖРО ЭТИШГА АСТОЙДИЛ КИРИШДИ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДДА ОЛИЙ СУД ВА БОШҚА МАНФААТДОР ИДОРЛАР БИЛАН БИРГАЛИҚДА ҚОНУНЧИЛИККА МАЗКУР ФАРМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ТЎҒРИСИДА ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ТАЖРИБАЛИ СУДЬЯЛАР, МУТАХАССИС ВА ЭКСПЕРТЛАРДАН ИБОРАТ ТАРКИБДА ИШЧИ ГУРУҲ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ.



Бошланиши 1-бетда

2022 йил 20 июнь куни давлатимиз раҳбари Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги тарихий аҳамиятга эга нутқда “Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилмоқда. Буларнинг барчаси Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Мазкур суд, бошқа судлардан фарқи ўлароқ, фақат Конституцияга бўйсунган ҳама Асосий қонуннинг устулгини таъминлашнинг таъминлайди. Бунда Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳамда ижро этишчи ҳокимият чикарган ҳужжатларда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принцип ҳамда Конституция нормаларига амал қилинишга эътибор қаратади. Шу муносабат билан Конституциявий суд ишини тубдан ўзгартириш, унинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда ҳисобдорлигини ошириш лозим”, деган эди.

туциявий суд фаолиятини янада халқчил, очиқ ва самарали қилишни кўзда тутиди. Хусусан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий одил судловга эришиши имкониятларини кенгайтириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга хизмат қилувчи механизмларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу ёндашув Конституциянинг мавҳум нормалар йиғиндиси эмас, балки ҳар бир инсон ҳаётида амал қиладиган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал ҳимоя қиладиган ҳужжат сифатида намоён этади. Кейинги йилларда Конституциявий суд ишида анъанага айланиб бораётган ижобий амалиёт ҳам фаолиятимизда яхши натижа бермоқда. Очиқлик ва халқ олдида ҳисобдорлик кучайтирилиши натижасида ҳар йилнинг ниҳоясида Конституциявий суд конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Президентига тақдим этилган мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборотни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиши йўлга қўйилди.

Мазкур ахборот фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни чуқур ўрганиш асосида, жумладан, Конституциявий судга бевосита Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар таҳлили асосида тайёрланади. Унинг мурожаатларни эътиборсиз қолдир-

гайтириш йўналишида фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш тартиби соддалаштирилиб, ортиқча бюрократик тўсиқ ва оворгарчиликларнинг олди олинади. Шу орқали ҳар бир шахснинг бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш имконияти оширилади.

Фармон конституциявий шикоятнинг натижадорлигини таъминлайди. Бу ўзгаришлар конституциявий шикоятни формал нормадан ҳақиқий ишлайдиган ҳуқуқий ҳимоя воситасига айлантиради, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтиради.

базаларидан электрон сўровлар орқали олиш имкониятлари таъминланади. Бундай рақамлаштириш фуқаролар учун қулайлик яратди, ортиқча қозғоёзликини камайтиради, иш юритиш сифатини ва суд қарорларини қабул қилишда тезкорликни оширади.

Конституциявий суд фаолияти ислохотларга ҳамоҳанг ривожланади

Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштириш масаласи сўнгги йиллардаги кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантйқий давомидир. 2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдумида янги тахрирдаги Конституция қабул қилиниши билан конституциявий шикоят институти конституциявий даражада мустахкамланди. Фармонда белгиланган нормалар эса ана шу конституциявий механизмларни амалиётда тўлақонли ишлатиш учун зарур тақдирда ва рақамли ечимларни белгилаб берди. Фармоннинг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамиятини таҳлил этганимизда уни шартли равишда бир неча йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтиради. Иккинчи йўналиш — конституциявий шикоят қилиниши натижалари самарадорлигини

Рақамлаштириш тезкорлик ва шаффофликни оширишга хизмат қилади

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштириш ва рақамлаштириш ана шу мақсадларга тўла мосдир. Конституциявий назоратнинг кучайиши ҳуқуқий барқарорликни мустахкамлайди, инсон қадр ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қафолатларини оширади, давлат ва жамият ўртасидаги ҳуқуқий ишончини кучайтиради. Бу эса умумий тараққиёт мақсадлари учун мўҳим пойдевор бўлади. Фармонни ишлаб чиқиш чоғида Австрия, Германия, Корея Республикаси, Индонезия, Туркия, Россия Федерацияси, Қозғонистон, Қирғиз Республикаси каби мамлакатларнинг тажрибаси ва қонун ҳужжатлари эътиборга

Суд ҳокимиятига ишонч — ҳуқуқий давлат барқарорлигининг мўҳим шарт. Суд мажлисларининг очиқ ўтказилиши, жонли эфирлар орқали муомалачилика тақдим этилиши, қарор ва маълумотларнинг очиқ эълон қилиб борилиши Конституциявий судга нисбатан ишончини мустахкамлайди.

“Е-KSUD” доирасида суд мажлисларини интернет орқали жонли эфирда трансляция қилиш, ахборотни интерактив тарзда тақдим этиш, фойдаланувчилар учун қулай хизматлар яратиш орқали Конституциявий суд фаолиятида шаффофликнинг янги маданияти шаклланади. Очиқлик орқали эса жамиятда Конституцияга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданияти юксалади.

Конституциявий суд жамоаси ушбу фармонни оғишмай амалга ошириш ва унда белгиланган вазифаларни ижро этишга астойдил киришиди. Конституциявий судда Олий суд ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонунчиликка мазкур фармон талабларидан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақдирлар ишлаб чиқиш учун тажрибали судьялар, мутахассис ва экспертлардан иборат таркибда ишчи гуруҳ шакллантирилди.

Ана шу маънода, тўплаган тажриба ва илгор хорикий амалиётни ҳар томонлама ўрганган ҳолда чуқур ва пухта ишлаб чиқилган ушбу фармон мамлакатимизда Конституциявий суднинг мустақиллиги ва конституциявий қонунийлигини таъминлашга таъсирини мустахкамлаш, фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш қафолатларини кучайтириш, шунингдек, суд жараёнларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишга қаратилган билан янада аҳамиятлидир. Бу ҳужжат юртимизда конституциявий қонунийлигини таъминлаш ва жамиятда адолат принципларини қарор топтириш йўлидаги навбатдаги катта қадам эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Фармон конституциявий назорат самарадорлигини ошириш, Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш, конституциявий одил судловни амалга ошириш жараёнларини босқичма-босқич рақамлаштириш ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўзига хос мўҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.

Айниқса, янги тахрирдаги Конституциянинг 55-моддасида мустахкамланган ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиниши янада кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бош мақсад — халқимизни рози қилиш

Янги конституциявий шароитда суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этиш йўлидан қатъий бораётган янги Ўзбекистон учун янги тахрирдаги Конституциянинг ҳаётда тутган реал ўрни ва амалдаги таъсири нафақат давлат ҳокимияти, балки ҳар фуқаро учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунда Конституция фақат давлат тузилиши ва ҳокимият ваколатларини белгилаб берувчи оддий қонун эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг энг олий даражада қафолати мустахкамланган асосий ҳужжат. Шу маънода, Конституция устулгинини таъминлаш механизми бўлган конституциявий назорат институтининг самарали фаолият юритиши ҳуқуқий давлатнинг асосий омилларидан биридир.

Конституциявий одил судлов — демократик ҳуқуқий давлатнинг мўҳим ва ажралмас белгиси. У конституциявий назоратнинг олий шакли, замонавий демократик давлатнинг алоҳида талаби, зарур институти бўлиб, Конституциянинг устулгини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда конституциявий қонунийлик муҳитини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатларини яратишининг ишончли гарови вазифасини ўтайди.

Унинг мазмун-моҳияти, аввало, Конституциявий судни фуқаролар ва юридик шахслар учун ҳақиқий ҳимоя воситасига айлантириш гоёси билан узвий боғлиқ. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор мақсадлар Конституциявий судга мурожаат қилишга



маслик, конституциявий қонунийлиқни мустахкамлаш бўйича халқимиз билдираётган ўрнили эътирозлар ҳисобга олинишидаги аҳамияти ортб бормоқда. Жумладан, Конституциявий суд йиллик ахборотларида 2018 йилда — 7 та, 2019 йилда — 5 та, 2020 йилда — 6 та, 2021 йилда — 4 та, 2022 йилда — 7 та, 2023 йилда — 14 та, 2024 йилда — 15 та тақлиф ва тавсия юборилган. Бироқ мазкур ахборотда кўрсатилган конституциявий қонунийлиқни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш давлат органлари учун тавсиявий характерга эга. Мамлакатимиздаги халқчил сиёсат натижасида соҳа ва ҳудудлардаги муаммолар, одамларнинг адолатли тақлифлари ўрганилмоқда. Улар асосида халқимизни рози қиладиган қарорлар чиқарилмоқда. Шу боис, Президентимиз халқимизнинг розилигини олиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш барча раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди.

жаатидаги масала Конституциявий судга киритилмаган ҳолатларда муаллифга унинг мурожаатидаги масалани Конституциявий судга киритишга асос мавжуд эмаслигини тушунирган ҳолда хабар бериш ва Конституциявий судга ахборот тақдим этиш амалиёти жорий этилмоқда. Янги тахрирдаги Конституциянинг 133-моддасида мувофиқ фуқаро ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилиниши босқич барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган мўйлан ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шунингдек, қонунчиликда Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган 14 та субъект — Олий Мажлис палаталари, Президент, Вази́рлар Маҳкамаси, Омбудсман, Болалар омбудсмани, Бизнес омбудсман, Жўқорги Кенгес, Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Олий суд, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ белгиланган. Амалиётта мурожаат қилсақ, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи субъекти бўлмаган фуқаро ва юридик шахс томонидан судга тааллуқли масала юзасидан мурожаатлар 2021 йилда 251 та, 2022 йилда 175 та, 2023 йилда 149 та, 2023 йилда 289 та, 2025 йилнинг яримда 135 тани ташкил этган. Бу тоифадаги мурожаатлар мурожаатчига қайтариб келинаётган эди.

Бундан кейин фармон асосида Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъект томонидан (асосли бўлган тақдирда) фуқаро ва юридик шахс манфаатида Конституциявий судга масала киритилиши таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини кен-

“ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ИШИДА АНЪАНАГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН ИЖОБИЙ АМАЛИЁТ ҲАМ ФАОЛИЯТИМИЗДА ЯХШИ НАТИЖА БЕРМОҚДА. ОЧИҚЛИК ВА ХАЛҚ ОЛДИДА ҲИСОБДОРЛИК КУЧАЙТИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ҲАР ЙИЛНИНГ НИҲОЯСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ АМАЛИЁТИНИ УМУМЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА ТАҚДИМ ЭТАДИГАН МАМЛАКАТДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИЙЛИКНИНГ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТНИ ОЧИҚ СУД МАЖЛИСИДА КЎРИБ ЧИҚИШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

ошириш механизмларини жорий этиш учун алоҳида конституциявий қонун қабул қилиш вазифасининг қўйилиши. Бу ишлаб чиқилган қонун Конституциявий суд ишларини юритиш қондаларига, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш талабларини, қарорларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда ижро механизминини янада аниқлаштиришга хизмат қилади. Учинчи йўналиш — Конституциявий суд қарорларининг таъсирчанлигини ошириш учун агар қўрилган ишда қонун Конституцияга зид деб топилса, у қўлланган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқишга асос бўлиши, шунингдек, қонуннинг конституциявийлигига шубҳа туғилганда, Олий суд орқали Конституциявий судга мурожаат қилиш ва асосий иш юритишни тўхтатиб туриш механизмлари назарда тутилгани ҳам улкан аҳамиятга эга бўлади. Моҳиятан, конституциявий шикоят институти ҳар бир шахсга ўзининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бевосита Конституциявий судга ҳимоя қилиш имконини берадиган мўҳим демократик механизмдир.

олинган. Хорикий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, конституциявий судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш функцияларига тобора кўп эътибор қаратишмоқда. Зеро, конституциявий шикоят институти фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали восита сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Ахборот технологиялари суд ишларини юритишда тезкорлик ва шаффофликни оширишнинг самарали воситасидир. Фармонга мувофиқ 2026-2027 йилларда Конституциявий суд фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, “Е-KSUD” ахборот тизимини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган. “Е-KSUD” орқали фуқаролар ва ташкилотлар электрон мурожаатлар юбориши, кўриб чиқиш босқичларини онлайн кузатиши, иштирокчиларга электрон хабарномалар юборилиши, суд мажлисларида видеоқонференция тартибиде иштирок этиш, аудноёзув ва электрон баённома юритиш ҳамда зарур маълумотларни давлат органлари

Фармон Ўзбекистон Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига рияоз этилишининг қафилдир, деган конституциявий нормани амалиётта янада самарали таъбиқ этишга кўмаклашади. Энг мўҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти органлари тизимидеги ролини, фуқароларнинг Конституциявий судга ишончини ошириш, шунингдек, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга кенг имкониятлар яратди.

ЭКОЛОГИК СТИКЕР

Энди автомобилларга тоифасига қараб махсус ёрлик ёпиштирилади

Бугуннинг гапи

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бошланиши 1-бегда

Эндиликда автомобилларга экостикер ёпиштириш тартиби белгиланган, масбулар кенг жамоатчиликка янги механизмнинг зарурати ва унинг амалиётда қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар бермоқда.

— Автомобиллардан чиқадиган зарарли газлар атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири саналади, — дейди ИИВ Жамоат ҳавфсизлиги департаменти ИХХХ ахборот хизмати бошлиги Зойир Йўлдошев. — Бу бевосита атроф-муҳит мусоффолиги ва инсонлар саломатлиги билан боғлиқ масала бўлгани боис, юртимизда ушбу ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тобора кучайтириб бориляпти. Айниқса, Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланишининг олдини олишга қаратилган қатор ишларга қарамай, атмосферанинг ифлосланганлик даражаси юқориликка қолаётгани ҳақида қатъийлаштириш заруратини оширмоқда. Шу мақсадда 2026 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон шариҳида “экологик транспорт” тизими кучга киряпти. “Экологик транспорт” тизимини худудларда жорий этиш уч босқичда амалга оширилади. Янги механизм биринчи босқичда 2025-2027 йилларда бошлаб Ўзбекистон шариҳида 2028-2030 йилларда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида, учинчи босқичда эса 2031-2034 йилларда бошқа барча худудлар амалиётда қўлланилади.

Белгиланган тартиб асосида транспорт воситалари экологик тоифа ва синфларга ажратилиб, уларга “яшил”, “сарик” ёки “қизил” рангдаги экологик стикер берилади. Биринчи марта ва йилга бир марта стикер олиш мутлақо бепул бўлиб, фуқаролардан ҳеч қандай сума талаб қилинмайди.

Бепул диагностика текшируви

Экологик стикер транспорт воситасининг атроф-муҳитга зарарини камайтирувчи қандайдир курилма эмас. У автомобилнинг экологик тоифасини тасдиқловчи электрон маълумотларни ўз ичига олган махсус ёрликдир. Бу ёрлик тегишли текширувлардан сўнг

транспорт воситасининг олд ойнаси пастиги ўнг бурчагига, ички томондан ёпиштирилади. Стикернинг ранги у ёпиштирилган автомобилнинг экология учун қанчалик хавфсиз эканини билдириб туради.

Экостикерлар уч хил — яшил, сарик ва қизил рангда бўлади ҳамда ҳар бири экологик тоифаларни аниқлатади. Яшил — “тоза”, сарик — “ўртача”, қизил — “зарарли” экологик даража белгилари ҳисобланади. Транспорт воситасининг экологик тоифаси ишлаб чиқарувчи томондан тасдиқланган экологик синф (“евро” стандартлари) асосида, экологик синфи аниқланмаган ҳолатларда эса диагностика текширувлари натижаларига кўра белгиланади. Берилган хулоса асосида

“ ЭКОСТИКЕРЛАР УЧ ХИЛ — ЯШИЛ, САРИҚ ВА ҚИЗИЛ РАНГДА БЎЛАДИ ҲАМДА ҲАР БИРИ ЭКОЛОГИК ТОИФАЛАРНИ АНГЛАТАДИ. ЯШИЛ — “ТОЗА”, САРИҚ — “ЎРТАЧА”, ҚИЗИЛ — “ЗАРАРЛИ” ЭКОЛОГИК ДАРАЖА БЕЛГИЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

автомобиль ойнасига “қизил”, “сарик” ёки “яшил” ёрлик (стикер) ёпиштирилади.

— Мамлакатимизнинг барча худуди бўйлаб транспорт воситаларини рўйхатга

олиш — диагностика маркази ташкил этилган бўлиб, ҳайдовчилар экостикерларни ана шу манзилларда бир неча дақиқа ичида олиши мумкин, — дейди Зойир Йўлдошев. — Бунинг учун махсус экологик операторлар жалб қилинган. Улар замонавий курилмалар ёрдамида транспорт воситаларидан чиқадиган тугунни ўлчаб, унинг қайси стикерга мослигини аниқлайди. Диагностика текшируви натижалари эса “Автомобилларнинг ҳисоби” ягона электрон тизимига киритилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, экостикер бериш транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йилига боғлиқ эмас. Асосий меzon автомобилнинг экологик синфи (“евро” стандарти) ва унинг техник ҳолатининг амалдаги экологик талабларга мослиги ҳисобланади.

Янги тизимнинг қандай ишлаши Тошкент шаҳри Миробод туманидаги транспорт воситалари диагностика текшируви марказида тажриба амалиёти мисолида кўрсатиб берилди. Экостикер бериш тартиби реал автомобиль мисолида босқичма-босқич тушунтирилди. Ҳақиқатан, амалиёт бир неча дақиқа ичида мутлақо бепул амалга оширилди. Жараёнда 1996 йилда ишлаб

чиқарилган автомобиль диагностика текширувидан ўтказилиб, унга “яшил” экостикер берилди.

Гап шундаки, газ ва дизелда юрадиган ҳар бир машинанинг тугун чиқариш тизими бўлади, ушундан чиқадиган тугун микдори, компонентлари ва ҳар бир компонентдаги алоҳида микдори ҳисоб-китоб қилинади. Бунди диагностика марказларидаги замонавий курилмалар бемалол аниқлаб беради. Уларнинг натижалари асосида автотранспортларга белгиланган стикерлар ёпиштирилади. Стикерлар ранглари зарарнинг фоиздан келиб чиқиб белгиланади. Яшил стикер автомобилнинг техник ва экологик ҳолати яхши эканини аниқлатади. Қизил стикер олган машинанинг табиатга зарари юқори бўлади ва бу ёрлик оғоҳлантурув дегани. Бундай машина эгаси имкон қадар қисқа фурсатларда аниқланган техник носозлик, камчиликларни бартараф этиши мақсадга мувофиқ. Келгусида эса қизил стикерли машиналарнинг пойтахт бўйлаб алоҳида ажратилган яшил худудларда юришига чекловлар ўрнатилиб, назоратга олинади. Бу қандайдир ажратилиш, янги чекловларни ўрнатиш маъносидан эмас, шунчаки барча транспорт воситаларини яшил стикерга ўтказиш ҳар биримизнинг саломатлигимиз, экология учун зарур.

Ҳайдовчилар экостикерни икки хил тартибда олиши мумкин. Биринчиси, транспорт воситасини рўйхатга олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида экостикер автоматик тарзда бепул берилади. Иккинчиси, фойдаланиш бўлган транспортлар учун ихтиёрий мурожаат асосида экостикер олиниб, расмийлаштирилади. Ёрликдан фойдаланиш мудади белгиланмайди, аммо айрим ҳолатлар, хусусан, транспорт эгаси ёки давлат рақами ўзгарганда, машинанинг олд ойнаси алмаштирилганда, стикер шикастланганда ёки ўчиб кетганда уни қайта расмийлаштиришга тўғри келади.

Бир мартадан ортиқ қайта диагностика ва стикер олиш эса базавий ҳисоблаш микдорининг 1 баравари асосида тўғривал амалга оширилади. Боиси, янги тизимга кўра, ҳар бир транспорт воситаси эгаси йилга бир марта қайта диагностика ўтказиб, экологик тоифани яхшилаш ҳуқуқига эга.

“Экологик транспорт” — нима у?

Ҳақиқатан, автотранспорт воситаларидан чиқадиган зарарли газлар бугун экологик муҳитни ёмонлаштирадиган асосий омиллардан бирига айланган. Айниқса, халқаро сифат стандартларига жавоб бермайдиган ёнгли турлари атмосфера ҳавосини жиддий зарарлаётгани таҳлилларда ҳам кўрсатиляпти. Юртимизда 2026 йилга қадар АИ-80 маркали бензиндан тўлиқ во кечини талаби қўйилгани боиси ҳам шунда.

Экостикер ҳам шунчаки баҳо ёки машина ойнасини “безаб” туриши учун жорий этилмапти. Бундан асосий мақсад транспорт воситасининг экологияга чиқарадиган зарарли таъсирини камайтиришдир. Янги автомобилни бир йилда бир марта диагностика текширувидан ўтказиш орқали тегишли тоифадаги стикер берилган, унинг худудларда ҳаракатланиши ҳам шу асосда белгиланади.

Янги “экологик транспорт” тизими орқали иккита механизм жорий этиляпти. Биринчиси, транспорт воситаларига экостикер бериш тартиби бўлса, иккинчиси, экологик зоналарни белгилаш амалиётидир. Маълумотларга кўра, худудлардаги экологик зоналар чегаралари Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан Экология қўмитаси тақлифига асосан белгиланади. Бундай зоналарнинг алоҳида жиҳати шундаки, уларда “ўрта” ва “зарарли” экологик тоифаларга мансуб ҳамда экологик стикери мавжуд бўлмаган автомобилларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.

— Экологик зоналар баллик тизим асосида белгиланади, — дейди Давлат экологик экспертизаси маркази бош директори маслаҳатчиси Илом Хушвақтов. — Бу асосан шаҳарнинг энг ифлосланган, саноат корхоналари мавжуд айрим кичик худудлар бўлиши мумкин. Бу худудларга “сарик” ҳамда “қизил” тоифадаги ёки экостикерли машиналар киришига руҳсат берилмайди. Фақат белгиланган тартибда ва микдорда компенсация тўловларини амалга оширган ҳамда экологик зона худудида доимий яшовчи ёки меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар мазкур худудда чеклов ва тақиқларсиз ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа чораси ҳам бор. Янги “сарик” ёки “қизил” экостикер берилган транспорт воситаси диагностика жараёнида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, бепул тарзда қайта текширувдан ўтиш ва экостикерни янгилаш ҳуқуқига эга.

“Яшил” стикерлар ҳақида гап борганида, кўпчиликнинг кўз олдида электромобиллар келади. Аммо мутахассисларнинг айтишича, бу тушунча нотўғри. Чунки электромобиллардан табиатга ҳеч қандай зарарли газлар чиқарилмагани боис, экологик кўриқдан ўтказиш амалиёти уларга тегишли эмас. Қолаверса, айрим турдаги транспорт воситалари учун ҳам ҳеч қандай экостикер олиш талаб қилинмайди. Хусусан, скутер, мопед ва уч гилдиракли транспортлар, жамоат транспорти (такси ва йўналишли таксидан ташқари), тезкор ва махсус хизмат машиналари, транзит орқали ҳаракатланаётган, Ўзбекистонда 90 кунгача вақтинча бўлиб турган транспорт воситалари кабиларга нисбатан экостикер олиш талаби татбиқ этилмайди. Ишлаб чиқарилганга уч йилдан ошмаган гибрид автомобиллар ҳам “тоза” тоифали транспорт воситалари ҳисобланади. Алоҳида рўйхатга кирмайдиган транспорт воситалари эса келаси йил бошдан диагностика текширувидан ўтказилиб, экостикер олишига тўғри келади.

Фуқаролар эса экостикер олиш орқали ўз автомобилнинг атроф-муҳитга қанчалик таъсир кўрсатаётганини билиш баробарида бу борада мустақил назоратни амалга оширади. Шу тарзда экологик чора-тадбирларнинг асосий иштирокчиларидан бирига айланади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Орамиздаги одамлар

ТАШЛАНДИҚ ЕРДАН МИЛЛИОНЛАБ ДАРОМАД ТОПАЁТГАН ФЕРМЕР

Тўрт йил аввал Фаррух ака ер олиб, боғ барпо этиш истагида туман ҳокимлигига борди. Аввалига ўзича иш осон битади деб ўйлаганди. Ундай бўлмади. “Эрта келинг, индин келинг” билан вақт ўтди. Барига қўл силтаб, бошқа иш қилмоқчи бўлди. Аммо режасидан таниш-билишлар хабар топган, энди эшитган қулоққа яхшимас. Яна бошлаган ишидан ортга чекинишга одатланмаган. Орият устида ҳаракатдан тўхтамади. Масъул раҳбарлар қабулига кирди. Мақсадини тушунтириб, лойиҳасини тақдим этди. Маъқул кўрилди.

Орадан кўп ўтмай, унга тайёр тоқзорни беришга қарор қилинди. Бундан эшитган Фаррух ака мамнун бўлди. Демак, катта боғ ишониб топширилган экан, ишончини оқлаш лозим. Албатта, келгусида тонналаб ҳосил этиштириб, боғни янада кўркам қилади. Шу ўйда ҳужжатларини тайёрлади. Иш тезлашиб кетди.

Орадан икки кун ўтди. “Фаррухбек Турдали ота набираси” фермер хўжалиги учун боғ ажратилди. Қўлай жиҳати боғ ўзи воёга етган Шаҳрисабз туманининг Кўтчи қишлоғи яқинида эди. Хушхабардан кўнгли кўтарилган фермер далага йўл олди. Аммо айтилган ерга келиб, хайратдан ёқа ушлади. Адашдим шекили, деган ўйда қўлидаги ҳужжатга илова қилинган харитага қаради. Худди шу жой кўрсатилган. Афсуски, тоқзордан асар йўқ эди. Далани кўздан кечириб, бир пайлар яшанган тоқ ўрнида куруқ тўнкаларни кўрди. Ҳафсаласиз бир аҳволда ўтириб қолди. Нима қилишни билмасди. Оламжаҳон орусси бир дақиқада пучга чиқди. Аввалроқ суриштириганида баъзилар боғ борлигини айтганди. Балки улар ҳам анча олдин кўрган, ҳозирги вазиятдан беҳабар бўлса керак.



Анча муддат тушкун кайфиятда ўтирди. Ўзича чора излади. Кимдан маслаҳат олишни ўйлади. Орта қайтишга эса андиша қилди. Охири: “Нима бўлса бўлар, шу ташландиқ жойда боғ барпо этаман, кўрганлар лол қолсин”, деган шахд билан ўрнидан турди. Шундай ишга киришди. Дастлаб трактор олиб келиб, майдонни тозалатди. Эски боғдан қолган шох-шабаларни териб чиқди. Бир ҳафта меҳнат қилиб, атрофини бинойидек

ҳолатга келтирди. Энди ер ҳайдаб, дарахт экишга ҳозирлик кўрадиган бўлди. Майдоннинг бир қисмида иссиқхона қуриб, лимон экишни режалаштирди. Баҳор яқинлашиб жойда боғ барпо этаман, кўрганлар лол қолсин”, деган шахд билан ўрнидан турди. Ниҳол экиш мавсумига ер тайёр бўлди. Танишларидан суриштириб, узум, анор, гилос, олма ва ёнғоқ кўчатларини олиб келди. Ўзи бош бўлиб, фарзандлари билан бирга экди.

Ҳисоблаб кўрса, 5000 га яқин кўчат ўтказибди. Энди бундан кўчатириш лозим, аммо осон бўлмадлиги аниқ. Яқин атрофдагилар ҳам бу ерда ниҳолни кўчатириш мушкул эканини айтди. Имомни бўлса, боғ қилишга беҳуда вақт сарфламаслиқни маслаҳат берди.

Баҳор серегин келгани нихоллар учун яхши бўлди. Саратон бошлангач, фермернинг хавотирини ортди. Қўлига чеклаб олиб, сув ташинишига киришди. Кўчатларнинг ҳар бирини эринмай сўғорди. Эрта тонгдан тунга қадар сув ташини билан вақт ўтказди. Ҳар бир ниҳол билан тиллашиб, ҳол-аҳволдан хабардор бўлди. Жазирамадан талафотсиз ўтиб олган, кўнгли хотиржам тортиди. Яшнаб турган ниҳолларга қараб, машаққати унутилди. Кейинги йилда эса ариқ қазиб сув келтирди.

— Киши мақсади сари интилса, ҳар қандай оғир ишни ҳам удаллаши мумкин, — дейди Фаррух Пўлатов. — Бугун боғни кўрган киши албатта қўйиб қолади. Тўрт йил олдин экилган ниҳоллар тўлиқ ҳосилга кирди. Шунга яраша даромад келтирмоқда. Жумладан, ўтган йили биринчи ҳосилнинг ўзидан 20 тоннага яқин узум олди. Беш тонна гилос, 4 тонна олхўри, 3 тоннага яқин анор, 2 тонна лимон



етиштирдик. Умумий ҳисобда 600 миллион сўмга яқин даромад топдик. Натижада бозорларимизни обод қилишга, эл дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўша бошладик. Беш киши доимий иш билан таъминланди. 50-60 кишини мавсумий ишларга жалб этипмиз. Жорий йилда янги лойиҳаларни ишга туширяпмиз. Айни пайтда яна бир иссиқхона қурдик. Унда асосан мандарин, апельсин каби цитрус мевали кўчатлар ўтказилди. Шу билан бирга, ниҳоллар орасига қўлунмай эдик. Келгуси йилда яна битта иссиқхона қуриш режамизда бор.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари сифатида Фаррух Пўлатов ташландиқ ерда боғ барпо этиб, ўтган йилнинг ўзиде 600 миллион, жорий йилда эса 800 миллион сўмга яқин маблағ ишлаб топди. Бундан ташқари, ўтган йилдан бошлаб асалари боқини йўлга қўйган. Кўчатчилик билан ҳам шуғулланяпти. Бу йил жорий кузги мавсумда 20 минг туп кўчатни сотишга ҳозирлик кўрмоқда.

— Боғдорчиликка болагимдан қизиқаман, — дейди фермер. — Шу сабаб кўчатчилик ҳам йўлга қўйдик. Ҳар бир ниҳолни

ўзим пайванд қилиб, кўпайтиряпман. Эртага ўзим етиштирган ниҳоллар турли жойларда мева бериб, атрофни яшилликка бурқаса, қувонаман.

Китоб ўқиган, дарахт эккан кишининг қалбида эзгулик бўлади. Фақат яхшилик улашишга интилади. Яна бир гап. Фаррух ака нафақат далада, балки томорқасида ҳам бир қарич ерни бўш қолдиргани йўқ. Олти сотихли ҳовлисида хурмо, анор, олма экиб яхшигина ҳосил олмақда. Ҳовлида етиштирилган меваларнинг даромади фарзандларининг ўқиши учун ажратилган. Бундан ташқари, фермер ўз ҳисобидан қишлоқдаги мактабнинг аълочи ўқувчилари учун ойлик stipendия ҳам жорий этган. Бу эса ёш авлоднинг билим олишга қизиқишини оширмоқда. Ўтган йили Фаррух Пўлатов оиласи виллоят миқёсида “Энг намунали оила” сифатида эътироф этилди.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Фахр



Шухрат ОРИФ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Бошланиш 1-бетда

Чексиз фахр берадиган жиҳат шуки, мазкур турнир давомида Ўзбекистон мадҳиса қарийб 100 марта янгради!

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўл-намуни кўлга киритди. Талабаларимиз Халқаро ёзи университетда ўйинларида 116 давлат орасида илк бор кучли 15 таликка кирди, Марказий Осиёда биринчи бўлди.

Шахматчимиз Жаҳонхор Синдоров 19 ёшида жаҳон кубоги соҳиби бўлганда кўксимиз тоғдек кўтарилди!

Ватанимиз фарзандларининг бундай буюк зафарлари бугун чиндан ҳам “улуг халқ қудрати”ни янада кўрсатди ва халқимиз “оламни маҳлиё айлаётгани”нинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 34 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ёшларга мурожаат қилиб, фахру гуруҳимизга лойиқ ўғил-қизларимиз тисмолида бўлгусиз хорамийлар, берунийлар, ибн синларини кўришни ташкиллаган эди.

“Бугунги ёшларимизнинг овози, гою ва ташаббуслари, куч-гайрати барча соҳа ва тармоқларга чуқур кириб бормоқда. Улар халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини реал ҳақиқатга айлантirmoқда”, деди Президентимиз.

Хозир дунёдаги энг етакчи олимпиядада 2000 дан зиёд талабамиз тахсил олмақда. Утган йилги юртимиз ёшлари нумфузи 500 таликдан жой олган олимпиядада ўқишга кириш бўйича Марказий Осиёда пешқадам бўлди.

2025 йилда юртимиз ўқувчилари томонидан фан олимпиадалари тарихида янги натижа қайд этилди: 29 та халқаро фан олимпиадасида жами 210 та медаль қўлга киритилди. Хусусан, ўқувчиларимиз 40 олтин, 78 кумуш, 92 та бронза медалга эга чиқди. Бу халқимиз буюк салоҳиятининг намоёниши эмасми?!

Шу ўринда қисқаш учун рақамларни келтириб ўтайлик. 2019 йилда — 30 та, 2020 йилда — 25 та, 2021 йилда — 45 та, 2022 йилда — 41 та, 2023 йилда — 96 та, 2024 йилда — 128 та медаль қўлга киритилган эди.

Юртимиз ўқувчи қизлари илк марта Европа қизлар математика олимпиадаларида қатнашди ҳамда 1 кумуш, 2 бронза медаль соҳиби бўлди. Бу натижалар шунчаки рақамлар эмас. Улар аждодларимизнинг узок йиллик орзу-армонлари, халқимизнинг бунёдкор руҳини ўзида ифодалади. Бундай оламшумул ютуқлар янги Ўзбекистонда олтин авлод камолга етаётгани ҳамда мамлакатимиз кўзлаётган улкан марралар реал ва ҳаётини заминга эга экани ҳақида бутун дунёга жар солмоқда.

Халқни уйғотаётган ўзгаришлар

Хар бир кунимиз, ҳаётимизда содир бўлаётган янгиликлар янги Ўзбекистон гоюси амалда қудратли ҳаракатга айланганини бот-бот исбот этаётди. Қаерга қараманг, тарихий воқеаларга гувоҳ бўласиз. Хар бир кунимизда унум, ўсиш бор!

Бу оламда ҳеч бир ҳодиса ёки натижа ўз-ўзидан юзага чиқмайди. Хар бир юксалишнинг ордида тинимсиз меҳнат, улгувор гоюлар ва хайрли ташаббуслар мужжасам. Шу маънода, бугун ёшларимиз кўлга киритаётган салмоқли зафарларни кейинги 8-9 йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўлмалли ислохотлар самараси десак асло хато бўлмайди. Тизимли ва муқаррар тус олган бу ислохотлар миллиятимизни руҳан уйғотмоқда, жамиятимизга бунёдкор гоюларни олиб



ТАРИХ ЯРАТАЁТГАН ОЛТИН АВЛОД

кирмоқда ва шу тариқа одамларни ҳаракатга келтирмоқда. Энг муҳими, узоқни ўйлаб, изчил олиб борилаётган бу сайъ-ҳаракатлар халқимизнинг маънавий ва ақлий салоҳиятини юзага чиқаришти.

Ёшларимизнинг халқаро спорт майдонларидаги шонли ютуқларига Ўзбекистонни чинакам спорт мамлакатига айлантirmoқда кўрилаётган тизимли чора-тадбирларнинг амалий натижаси сифатида қараш лозим. Истиқболли ўғил-қизларимизга атаб Тошкентда барпо этилган улкан Олимпия шарҳарчаси, юртимиз тарихида биринчи марта ташкил этилган, замонавий таълим ва билим берадиган Футбол академияси янги истеъдодлар ва янги чемпионлар учун рамзий маънода бешик бўлиши шубҳасиз!

“Президент олимпиадаси” ўйинларига асос солинганнинг ўзи катта воқеа! Мазкур мусобақанинг саралаш босқичларига 100 миңдан зиёд ўғил-қиз жалб қилинган ва яқуний турнирда 3000 га яқин спортчи иштирок этган Ўзбекистон спортчи ноёб тизим бўлиб шаклланигани яққол кўрсатиб берди. Қатъий ишонч билан айтиш мумкин, илк бор ўтказилган ва қизгин курашларга бой бўлган “Президент олимпиадаси” ёшларимиз қалбига олимпиада руҳи, олимпиада гоюларини олиб кирди ҳамда уларнинг жаҳон ареналари сари дадил боришида катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

“ Бугун Ўзбекистон эришаётган оламшумул ютуқлар тасодифий эмас. Ватанимизда “улуг халқ қудрати”ни жўш урдириб, минглаб истеъдод эгаларини майдонга олиб чиқаётган кенг қўламли, пухта ўйланган, изчил ва аниқ манзилли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг оламни маҳлиё айлаётган улкан зафарлари Президентимизнинг халқимизни қачондир ёки эртага эмас, айнан бугун бахтли қилиш истистадиго оқилона сиёсатининг жаҳоний акс садоси десак, хато бўлмайди.

физик натижага эришди. Қорақўл туманидаги мактаб-интернат, Навоий шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат, Жиззах шаҳридаги Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабининг бу ютуғи таълимдаги туб янгиликларнинг меваси.

Жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, таълим тизимини ислох қилишга қаратилган чора-тадбирлар қўламли кенг ва улур моҳиятган миллий гуруҳ ҳамда эркин тафаккурга эга, ўзини юрт тақдирига дахлдор деб биладиган баркамол шахсларни тарбиялашга қаратилган. Ислохотларнинг амалий

тизимли ислохотлар лозим эди. Жамиятга янги гоюлар, қақирлиқлар керак эди.

2019 йилда Президентимиз ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди. Утган қисқа муддатда салмоқли сайъ-ҳаракатлар бажарилди. Шу мақсадда кўплаб дастурлар қабул қилинди.

Ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр кабиларга қизиқишини ошириш бўйича 840 та маданият маркази, 219 та “Баркамол авлод” болалар мактаби, 10 миң 182 та умумтаълим мактабиди 93 миң 385 та тўтарак фаолияти йўлга қўйилди ва улурга 12 миллион 400 миң ўғил-қиз қамраб олинди.

Истеъдодли ёшларни барвақт аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб халқаро ва республика кўрик-танловларининг мунтазам ташкил келинаётгани, ёшлар учун “Келажак бунёдкори”, “Мард ўғлон” ва Зулфия номидаги давлат мукофотларининг ташкил этилгани ҳам навқирон авлод вақиллари учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Мисол учун, маданият ва санъат йўналишида ташкил этилган лойиҳа ва танловларга жами 3,2 миллион ёш жалб қилинган.

Махалладан иқтидорли ёшларни саралаш, истеъдодини намоён этишига шариот яратиш мақсадида 26 та танлов ва мусобақадан иборат 5 босқичли (махалла — сектор — туман — вилоят — республика) “Беи ташаббус олимпиадаси” ўтказилиб, 13 миллиондан ортиқ ёш жалб этилди.

Ёшларнинг замонавий билимлар ва ахборот технологияларига қизиқишини ошириш масаласи ҳам давлатнинг доимий эътиборида. 2025 йилда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 миң йилгит-қиз ўқитилди. Шунингдек, ёшлар стартапларини

23 гоили Президент совғаси — автомашиналар совриндори бўлди. Бу ҳаракатнинг жамиятдаги ижобий акс садоси сифатида китобга меҳр қўйиб, мутлоани кундалик ҳаёт тарзига айлантirmoқда, “Еш китобхон” танловига голиб бўлиб, ота-онасига автомашина совга қилиш ўй-хаёлида интилаётган ўқувчилар сафига хар йили минглаб янги иқтидорлар қўшилимоқда.

Ўзбекистон янги истеъдод эгаларини кашф этиш ва рағбатлантириш масаласида ресурс ва маблағни амаияпти. Жорий йилда халқаро фан олимпиадалари гоиллари, уларнинг устозларини тақдирлаш учун давлат бюджетидан жами 12 миллиард 424 миллион сўмга яқин маблағ ажратилгани бунинг ёрқин исботи. Тақдослаш учун: 2019 йилда бу мақсадга 780 миллион сўм йўналтирилган эди ва бу йилги маблағ қарийб 17,5 баробар кўп.

Давлат томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож ёшларга ҳам тизимли кўмак берилмоқда. Утган даврда бу қатламни қўллаб-қувватлашга доир ташкилий-ҳуқуқий қафолатлар яратилди. “Ёшлар дафтари” тизими йўлга қўйилиши натижасида эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож ҳамда ишсиз 591 миң ёш ижтимоий қўллаб-қувватлаш рўйхатига киритилди. Худудларда тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига 76 миң хотин-қиз иш билан ташминланди. Шунингдек, 16 миң хотин-қиз касб-хунарга ўргатилди. Биргина “Хамрохлик дастури”га мувофиқ, ота-она меҳридан маҳрум бўлган 11 миң бола таълим, касб-хунар, спорт тизимига қамраб олинди.

Шу рақамларнинг ўзиёқ, юртимизда бегона одам ҳам, бегона бола ҳам йўқ деган таъминлининг амалий ифодасини кўрсатади.

Жаҳондаги ноёб модель

Истеъдод туғма бўлади, лекин уни тарбиялаш, сайқаллаш лозим. Бунинг учун унга алоҳида эътибор зарур. Энг муҳими, иқтидор эгаси бу гамхўрликни ўз ҳаётида ҳис қилиши керак. Агар ниҳолга ўз вақтида меҳр берилмаса, у ўсишдан тўхтайдди, қовжайрайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ягона ва самарали тизимига асос солинди. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 сентябрдаги фармонида асосан Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Юртимизда ижод мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва Президент мактаблари каби янги моделдаги мактаблар пайдо бўлди. Бундай таълим модели жаҳондаги ноёб ҳодиса.

мактабларга 78 миңга яқин ўқувчи қамраб олинган ва улурга 9000 педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Бу йилдан тизимда ўқувчиларни нумфузли олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрлашга қаратилган “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастур йўлга қўйилди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, ёш истеъдодларини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда янгича ёндашувга асосланган ушбу тизимнинг муҳим ўрнини, келинг, ижод мактаблари мисолида таҳлил қилайлик.

Ижод мактаблари бадийи адабиёт ва ижоднинг бошқа турларига қизиқадиган иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш орқали интеллектуал салоҳияти ва ижодий истеъдодини янада ривожлантиришга мўлжалланган давлат умумий ўрта таълим муассасасидир. Аини вақтда худудларда Абдулла Қодирий, Исҳоқхон Ибрат, Огаҳий, Хамид Олимжон ва Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ибройим Юсупов, Халима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф каби миллиятимиз оидилари номидаги ижод мактаблари ишламоқда. Уларда 1928 нафар ўқувчи, яъни шунча иқтидор эгаси ўқимокда.

Улардаги таълим жараёни Ёзувчилар уюшмасининг худудий бўлиналари билан яқин ҳамкорликда ташкил этилади. Уюшма аъзолари мунтазам равишда ижод мактабларида ўқувчиларнинг ижодий истеъдодини ривожлантиришга қаратилган машгулотлар ўтади.

Шунингдек, 2024 йилдан буён ижод мактабларида тахсил олаётган ўқувчиларнинг аънавий “Зомин” ёш ижодкорлар семинарида иштирок этиши тажрибаси йўлга қўйилган. Унда голиб бўлганларнинг “Менинг биринчи китобим” лойиҳаси доирасида биринчи ва иккинчи китоблари шу кунгача 10 миң ажадада чоп этилган. Бундан ташқари, ижод мактаблари ўқувчиларининг ижод намуналарини бирлаштирган “Ижод богидан гулдаста” тўпламининг 6 та сони нашр этилди. Жорий йилдан ижод мактаблари ўқувчилари иштирокчида жаҳон адабиётининг дурдона асарларини аудио шаклига келтириш йўлга қўйилиб, ҳозир бу каби аудиокитоблар сони 55 тани ташкил этмоқда.

Ижод мактабларида замонавий билим тенденцияларига ҳам алоҳида ўрин берилмоқда. Хусусан, Абдулла Орипов ва Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактабларининг ўқув дастури халқаро ИВ талабларига тўлиқ мослаштирилди.

Бу мактабларда ўқувчиларнинг иқтидори таълим даврийдаёқ сайқалланмоқда. Сўнгги 6 йилда ижод мактаблари битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 57 фоиз ўсиб, бугун 100 фоизни ташкил этмоқда. Жорий йилда маҳаллий олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби битирувчилари ўртача 178,4 балл кўрсаткичи билан республикада иккинчи, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби 175 балл билан учинчи, Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби 174,3 балл билан тўртинчи, Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби эса 168,9 балл тўплаб, тўққизинчи ўринни эгаллаб, етакчи 10 та мактаб рўйхатига кирди.

Жорий йилда Эркин Воҳидов ҳамда Халима Худойбердиева номидаги ижод мактабларини тамомлаган битирувчилар дунё рейтингига илгор 200 таликка кирувчи нумфузли хорийий олийгоҳларга ўқишга қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистон эришаётган оламшумул ютуқлар тасодифий эмас. Ватанимизда “улуг халқ қудрати”ни жўш урдириб, минглаб истеъдод эгаларини майдонга олиб чиқаётган кенг қўламли, пухта ўйланган, изчил ва аниқ манзилли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг оламни маҳлиё айлаётган улкан зафарлари Президентимизнинг халқимизни қачондир ёки эртага эмас, айнан бугун бахтли қилиш истистадиго оқилона сиёсатининг жаҳоний акс садоси десак, хато бўлмайди. Бу сиёсатнинг меваси бўлиб кашф этилган, чинакамга қадр топаётган ва сафлари тобора кенгайиб бораётган истеъдодли ёшлар — Ватанимизнинг олтин авлодидир! Ғуруримиз тисмоли бўлган бу авлодининг овози жаҳон сахналарида тобора баландроқ янграмоқда ва улур ўз ақлий салоҳияти, маънавий камолоти билан янги Ўзбекистоннинг шонли тарихини яратмоқда.



“ Янги Ўзбекистонда истеъдод эгаларини рағбатлантириш ва улурга кенг йўл очиб ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимиз тараққиётининг сўнгги йиллардаги архитектурасини таҳлил қилсангиз, ёш авлод ресурсини ривожлантириш ва юзага чиқариш масаласига ҳар қачонгидан устувор ўрин берилаётганига амин бўласиз. Чиндан ҳам ёшлар — янги Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси!

Таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам жуда залворли. Сўнгги саккиз йилда хусусий сектор билан бирга боғчалардаги ўринлар 2,5 миллионга, қамров 78 фоизга етказилди. Янги мактаблар барпо этилган ва мавжудлар кенгайтирилгани ҳисобига қўшимча 1 миллион ўқувчи ўрни очилди.

Шу даврда олий таълимдаги қамров 9 фоиздан 42 фоизга етказилгани тизимда юз берган кескин бурилишнинг амалий маҳсулидир. Олий ўқув юртлири талабаларининг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам алоҳида эътиборга молик. Олийгоҳларда таълим олаётган хотин-қизлар ҳам маънави, ҳам ақдан етуқликка эришиб, келгусида жамиятириздан муносиб ўрин топиши ва матрифатли оида бўлиб ҳар жиҳатдан баркамол авлодини тарбиялашга ҳисса қўлиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Таълимдаги янгиликларнинг дастлабки куртақлари ҳаётимизда бўй кўрсатмоқда. Мактабларимизда бу йилдан бошлаб ижобий натижага эришилди, яъни республикадаги 3 та умумтаълим муассасаси битирувчилари олий ўқув юртлирига кириш бўйича 100

самараси ёшларимизнинг теран тафаккури, ақлий етуқлиги ва маънавий камолотида намоён бўлаётгани гою қувонарли.

Бебаҳо бойлик

Янги Ўзбекистонда истеъдод эгаларини рағбатлантириш ва улурга кенг йўл очиб ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимиз тараққиётининг сўнгги йиллардаги архитектурасини таҳлил қилсангиз, ёш авлод ресурсини ривожлантириш ва юзага чиқариш масаласига ҳар қачонгидан устувор ўрин берилаётганига амин бўласиз. Чиндан ҳам ёшлар — янги Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси!

Инсон қобилиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан ижтимоий муҳитга ва тарбияга боғлиқ. Юртимизда камолга етаётган ҳар бир иқтидор эгасини аниқлаш ва ютуқларга руҳлантириш учун эскирган, аънавий қолиплардан воз кечиб, янгича ёндашув ва



қўллаб-қувватлаш бўйича венчур сармоя маблағи 1 миллиард долларга етказилиши ва мактабларда ўқувчилар учун “моҳирлик ва бизнес соати” киритилиб, уларнинг гоюсини стартапга айлантirmoқда 100 миллиард сўм грант йўналтирилиши белгиланди.

Йилгит-қизлар орасида китобхонликни ривожлантириш мақсадида аънавий ўтказиб келинаётган “Еш китобхон” республика танлови ўқувчилар орасида омалашиб, катта ҳаракатга айланди. Бу танлов 5 миллиондан зиёд ёшни қамраб олди. Шу кунгача мазкур танловнинг

Бу тизим давлатимиз раҳбарининг ижод аҳлига, адабиётга, ёшлар тақдирига доимий гамхўрлиги ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган кенг қўламли сайъ-ҳаракатининг махсули десак, асло хато бўлмайди. Янги Ўзбекистоннинг тарихини яратётган олтин авлодининг камолотида бу тизим муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳозир мазкур тизимда 228 та мактаб фаолият юритмоқда. Республика бўйлаб 182 та туман ва шаҳарда ташкил этилган

Жадиғчилик ҒОЯЛАРИ

ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДАГИ УЙҒУНЛИК

Мезон

XIX аср охири — XX аср бошларида шаклланган жадиғчилик ҳаракати нафақат миллий уйғониш, балки бутун муслмон Шарқи интеллектуал қайта тикланишининг муҳим босқичи сифатида тарихга кирди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўз замонининг йлғор намоёндалари бўлган жадиғлар ғоят мураккаб ва қийин шароитда билим ва маърифат тарқатиш, таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ этиш орқали миллий тараққиётга эришиш ғояси билан маъдонга чиқдилар”. Бугун кунда мазкур ғоялар Янги Ўзбекистон стратегиясида кенг қўламда қайта намоён бўлмоқда.



Олимжон ЎСАРОВ,
Мудофаа вазирининг
ватанпарварлик тарғиботи,
маънавий-маърифий ишлар
ҳамда ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси

Икки йил аввал Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев жадиғ бобларимизнинг ғоялари Янги Ўзбекистон стратегияси билан уйғунлиги тўғрисида бундай деган эди: “Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир”.

Келинг, ушбу уйғунликни атрофича кўриб чиқайлик.

Биринчидан, Янги Ўзбекистон стратегиясида “инсон қадр” тамойили бош мезонга айланган. У инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон капитали, таълим сифати, ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлашга қаратилган. Бу эса жадиғларнинг жамиятда ижтимоий тенгликка эришиш, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўлидаги интилишлари билан муштаракдир.

Иккинчидан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизими ислохотларига ало-

ҳида ургу берилган. Бунда мактабга таълим ва умумий ўрта таълим тизimini янги босқичга олиб чиқиш, профессионал таълим тизimini ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш, ёшларни олий таълим билан қамраб олишни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш асосий мақсад сифатида белгиланган.

Ўз даврида жадиғ бобларимиз ҳам миллат тараққиёти аввало маърифатдан, билим ва маҳоратдан бошланишини таъкидлаб, биринчи галда усули жадиғ мактаблари фаолиятини йўлга қўйган. Улар мактабларда замонавий фанларни жорий этиб, болаларни эркин фикрлайдиган, мустақил ва танқидий қарашга эга шахслар этиб тарбиялашни мақсад қилган. “Самарқанд” газетасининг 1913 йил 9 августдаги сониде туркистонлик жадиғлардан бири Ҳожи Муин Шукрулло “Ёшларга мурожаат” мақоласида бундай дейди: “Миллатнинг тараққиёти анинг аввали мунтазам

мактабларидан бошланур. Агарда биз динимизни, миллатимизни яхши кўруб, муҳофаза қилмоқчи бўлсак, аввал соодат эшиги бўлган мактабимизни замона мувофиқ ислоҳ қилиш керак”. Бу фикрлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жадиғларнинг “таълим орқали миллий уйғониш” ғояси бугунги таълим ислохотларининг асосий мазмунини ташкил этади.

Учинчидан, янги Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви очиқлик, жамоатчилик назорати, инсон ҳуқуқлари, парламент ва маҳалла институтларини кучайтириш билан тавсифланади. Жадиғлар ҳам жамиятда фаол фуқаролик муносабатлари ва жамият манфаатига хизмат қилувчи давлат моделини орзу қилган эди.

Жадиғларнинг Туркистон мухториятини тузиш бўйича энг машҳур дастури — “Турк адами марказият (федералчилик) фирқаси”нинг маромномаси”да бу ғоялар ўз аксини топган. Таниқли жадиғшунос олим Бойбўта Дўстқоравнинг илмий тадқиқотларида улар куйидагича шарҳланган: “Фирқа ўз маромномасида илгари сурган жамият тизими демократик бўлиши кўзда тутилганди. Бу, айниқса, маромномадаги “Мухториятлик қитъалардаги аҳлият (фуқаролик) ҳуқуқи” қисмида ёрқин кўзга ташланади. Унда аҳоли қайси дин ва қайси мазабда бўлишидан қатъи назар, қонун олдига тенглик: фуқароларга чин маъноси-ла виждон эркинлиги берилиши, биронта дин ва мазаб ҳукумат



томонидан бошқалардан устун қўйилмаслиги; ҳар бир фуқаро ўз фикрини айтиш, матбуот ёки бошқа нашр воситалари орқали баён этиш ҳуқуқига эгаллиги; фуқароларнинг юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун йиғинлар ўтказиш, жамиятлар тузиш ҳуқуқи бўлиши, буни(н)г учун “ҳеч кимдан руҳсат сўрамоққа эҳтиёж йўқлиги”,

шахс эркинлиги, оила муҳофазаси дахлсиз бўлиши, тегишли маҳкамаларнинг қарорисиз биронта ҳам фуқаронинг уйига бостириб кириб тинтув ўтказиш, хат ва китобларини текшириш мумкин эмаслиги каби моддалар ақс этган”.

Тан олиш керакки, бундан 100 йил олдин жадиғ бобларимиз томонидан яратилган мазкур ҳужжатдаги тартиб-қоидаларнинг ақсарияти мустақил Ўзбекистон қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Тўртинчидан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида мафқуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаллик курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбия узвийлигини таъминлаш белгиланган.

Жадиғ бобларимизнинг ғоявий қарашларида ҳам бу ҳолат ўз аксини топган. Улар дунёвий илм-фанни улуғлаб, тараққиётга эришиш учун халқни ушбу илмларни ўрганишга даъват этган бўлса-да, асрий миллий қадриятлар ва ахлоқ-одобни ҳимоя қилишни ҳам унутмаган.

Бу борада маърифатпарвар бобимиз Чўлпоннинг қуйидаги сўзлари фикримизнинг

далилидир: “Эй қариндошлар, катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпанинг мўдосидан, пишасидан, бузуқ ахлоқидан намуна олмасдан ва буларга бул жиҳатдан тақдир қилмасдан, балки илм, фан, ҳунар, санъатга ўхшашлик маданиятлардан намуна олиб, бул жиҳатдан тақдир қилмоқчимиз лозимдур. Оврўпанинг мўдоси ва бузуқ ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир-қул қиладур. Бундан сақланингиз!!!” (“Садойи Фарғона” газетаси, 1914 йил 6 июнь). Оммавий маданият унсурлари ва мафқуравий хуружлар авж олаётган ҳозирги замонда ҳам Чўлпоннинг бу сўзлари огоҳлик кўнгириғи бўлиб жанрлангилеради.

Бешинчидан, маърифатпарварлик ислохотларини амалга ошириш учун жадиғларга моддий қўллаб-қувватлов жуда зарур эди. Шу боис, улар мамлакат бойларини юрт келажиги учун хайрия қилишга ундаган: бу борада ўзлари ўрнак кўрсатиб, ортиқча мол-мулкларини сотиб бўлса-да, усули жадиғ мактабларини очган, ёшларни хорижга ўқишга юборган. Чет элда илм олиб қайтган миллат фарзандлари кўмағида ўлкада санъат ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодий мустақилликка эришиш ҳам мақсад қилинган.

Ушбу ғоя “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида амалий мазмун билан янада бойитилиб, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, санъатнинг драйвер соҳаларини ривожлантириш ва худудлар санъатини тўлиқ ишга солиш, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга йўналтирилган алоҳида мақсадларни амалга ошириш белгиланган.

Олтинчидан, жадиғ бобларимиз юртимизда миллий қўшин барпо этиш орусиде бўлган. Хусусан, 1917 йил ноябрда Туркистон мухторияти эълон қилинган, ўлкаимизда миллий қўшин сафига ёзилиш ташвиқоти бошланади. 1918 йил 17 январь кунини Тошкентда “Ишчилар дунёси” журналининг 2-сониде Ғулум Зафарийнинг “Қувватимиз аскардир” мақоласи чоп этилади. У: “Ҳимматпарвар туркистонликлар! Биз, туркистонлик турк болалари Мухторият эълон этдик. Энди Мухториятимиз барқарор ўлсун десак, бизга қувват лозим. Ул қувват аскарликдир. Қувватимиз бўлган аскарликка жсон-дил ила боқуб, қалбимизни унга тухтаб этайлик. Асло унутмайлик. Оч, сувсиз турсак ҳам бошқа бир нарсага қарамасдан фақат қаҳрамон аскаримизни тушунайлик! Зеро, бу исломият, бу турклик, бу миллат бунинг ила яшайдир. Бунинг ила буюк бўлайдир. Бунинг ила шон берадир, бунинг ила ҳаёт бўлайдир, бунинг ила музаффариятга ноил ўлуб жаҳонни тиратадир. Бунинг ила аждод атомиз бўлган фотиҳларнинг, қаҳрамонларнинг руҳларини шод этайлик, мазлиминизни хотира келтириб истиқболимизни таъмин этайлик”, дея чорлайди.

Афсуски, Туркистон мухторияти қонга ботирилди. Унинг мудофааси учун жонини тиккан не-не йигитлар қони дарё бўлиб оқди.

Жадиғларнинг миллий қўшин барпо этиш орусиде орадан 75 йил ўтиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг амалга ошди. Мана, бугун кучли миллий армиямиз бор. Қаҳрамон аскар ва офицерлар юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаб турибди.

Замонавий авлод жадиғларнинг жасорати ва мафқуравий меросидан қуч олмоқда. Демак, жадиғ бобларимизнинг тарихий оруз-умидлари бугун янги мазмунда рўёбга чиқмоқда.

Жадиғчилик фақат тарихий ҳаракат эмас, балки бугунги миллий тараққиёт стратегиясининг маънавий-илмий асосидир. Янги Ўзбекистон ўз ислохотларини амалга оширар экан, жадиғларнинг таълим, маърифат, иқтисод, жамиятни замонавий асосда янгилаш ҳақидаги ғоялари янада мукаммал ва ҳаётий шаклда татбиқ этилмоқда.

Илм-фан фидойилари



Кейинги йилларда юртимизда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Илкониётлар эшиги очилиши қўллаб олимларимизнинг ютуқларига сабаб бўлиб келяпти. Биология фанлари номзоди Замира Нурованинг ҳаёти ва фаолият йўли ҳам фикримизга тасдиғидир.

Қаҳрамонимиз 2018 йилдан буён Тошкент тиббиёт университети Термиз филиали кафедраси мудири, доценти сифатида самарали ишлаб келмоқда. Олима юртимиздаги имкониятлардан самарали фойдаланиб, ёмон яра, халқ тилида айтганда, пашшахўрда касалли-

ги билан оғриган беморларни самарали усуллар билан даволаш бўйича илмий ишга қўл урди. Унинг бу тадқиқоти муваффақиятли бўлди.

Сурхон воҳасида яшовчилар лейшманиоз, яъни пашшахўрда ҳақида озми-кўпми

билади. Пашшахўрда одам ва ҳайвонларда учрайдиган трансмиссив протозой касаллиғидир. Унинг қўзғатувчиси лейшманиялар ҳисобланади, ташувчиси эса чивинлар. Хасталик белгилари иситилмадан, ички аъзолар ёки тери тўқималари шикастланиши билан намоён бўлади. Касалликнинг юқиши, асосан, йилнинг иссиқ ойларига тўғри келади. Яширин даври турлича бўлгани тўғрисида мавсумийлик характерли эмас. Касаллангандан сўнг бутун умр давомида сақланувчи иммунитет ҳосил бўлади. Баъзан у қайтланиши ҳам мумкин.

Олима Замира Нурова бу касалликка қарши таъсирчан препаратлар ва даъво муолажаларини яратиш борасида қатор изланишлар қилди. Унга қарши 11 турдаги трифобакш восита учун халқаро муаллифлик ҳуқуқини олди. Унинг ихтиролари Россия, Қирғизистон, Тожикистонда патентланган. Аини пайтда олима яратган маълумлар лаборатория шароитида ишлаб чиқарилмоқда ва хорижга экспорт қилиняпти.

Инсон қадрини ислохотлар бошлангач, олимлар меҳнати алоҳида эъзозланди. Бундан қаҳрамонимиз Замира Нурова ҳам бебаҳра қолгани йўқ. У II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланди.

— Устознинг 100 дан ортққ илмий мақоласи АҚШ, Британия, Туркия, Россия ва Европа нашрларида чоп этилган. Унинг 2 та монографияси, 2 та ўқув қўлланмаси ва 10 дан ортққ услубий қўлланмаси мавжуд. У

ЎЗБЕК ОЛИМАСИНИНГ ИХТИРОСИ



нафақат етук олима, балки 4 фарзандни тарбиялаган меҳрибон она, жамоада талабчан ва фидокор устоз сифатида ҳам катта ҳурмат

қозонган, — дейди Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали директори Фурқат Отамуродов.

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида туб ислохотлар қилиняпти. Масалан, жорий йилда Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази неғизда қиймати 79,6 миллиард сўм бўлган замонавий тиббиёт кластери фойдаланишга топширилди. Натичада жигар ва буйрак кўчириш, юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари воҳанинг ўзиде амалга оширилмоқда. Худуддаги бирламчи тиббиёт муассасаларида умумий қиймати 40 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳоли ва ходимлар учун қулай, замонавий шароит яратилди.

— Аини пайтда тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш, хусусий секторни лицензиялаш тизими такомиллашди, — дейди Замира Нурова. — Натичада кўрсатилётган хизматлар ҳажми ва турлари янада кўпайди. Хориждан олиб

келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва зарур материаллар учун турли имтиёзлар белгиланади. Бундай имкониятларнинг барчаси соҳа ривожини учун хизмат қилипти.

Замира Нурованинг меҳнат ва изланишларида битта умумий тамойил бор — тўхтамаслик! Сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришлар эса у каби мустақиллиги ва фидойий инсонларни янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси — 236. Бюроғма Г-1246.** 34211 нусхада босилди. **Ҳажми — 3 табоқ.** Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллоев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:35 Топширилди — 00:35